

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

ШУКРОНАЛИК УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА

Б.С.Шукрова

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва
фольклори институти катта илмий ходими

Турк адабиётининг машҳур ёзувчиси Азиз Несин асарлари ўзининг чукур маънога эгалиги, инсон руҳиятининг мураккаб томонларини кўрсатиши билан ажralиб турди. Адабнинг “Худога шукур” ҳикояси ҳам шундай асар бўлиб, унда турли ижтимоий ва маънавий масалалар ўзига хос тарзда ёритилган.

Ҳикоя воқеалари Кадикуйдан Бостанжига борадиган трамвайнинг иккинчи вагонида рўй беради. Трамвай тиқилинч, кимдир ишдан, кимдир бозордан уйга қайтмоқда. Трамвайнинг орқа ойнасига бор оғирлигини ташлаган чол, унинг оёғидаги қўпол матодан тикилган маҳси, эски калиши ва бошидаги тўкилиб қолган мўйнали шапкаси китобхон кўз ўнгига трамвай вагонининг умумий манзарасини гавдалантиради.

Ўрта ёшдаги йўловчилардан бири сомон билан бекитилган саватини қўлида ушлаб, рангпаргина йўловчини “Оғайни, эҳтиёт бўл, ўтириб олма, ичидатухуми бор-а!”¹ – деб огоҳлантиришидан сўнг воқеалар ривожи бошланади. Йўловчилар йўл бўйи фақат шу тухумларни баҳона қилиб, ўзларининг турли ҳасратларини тўкишади. Улар, асосан, ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликлар ҳақида қизғин сұхбатлашишади. Ҳикоядаги сұхбат орқали муаллиф китобхонни ҳаётнинг муҳим қадриятлари, маънавий ва ижтимоий масалалар ҳақида чукур мулоҳаза юритишга undайди.

“Кимдир уй-жой тўловларининг баландлигидан нолиса, бошқаси – керакли нарсани топиб бўлмаслигидан нолирди, яна бири эса алам билан ҳали яшаса бўладиган уйларни бузишаётганидан шикоят қиласади. Тўғриси, у ерда бўлган гапларнинг барчасини сизга етказишдан ўзимни тийиб турибман. Улар шунчалик асабийлашган эдики, узок иш кунидан чарчаб уйига қайтаётган одамга эмас, балки қимматчиликка қарши норозилик намойишига чиққан кишиларга ўхшардилар. Вақти-вақти билан овозларини янада кўтаришар ва худди нутқ сўзлашга чиққан нотиқقا ўхшаб гапиришарди. Мен эса ичимда: “Қўйинглар, ватандошлар, бунчалик қизишманглар. Албатта, асабийлашишга баъзи асослар бор, лекин ҳаммаси сиз айтганчалик эмас”². Мазкур парчада ижтимоий ва иқтисодий муаммолар воситасида инсонларнинг

¹ <https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/turk/aziz-nesin-noyob-mikrob.html>

² <https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/turk/aziz-nesin-noyob-mikrob.html>

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

рухий ҳолати ва унга таъсир қилувчи омиллар ифодаланган. Ёзувчи инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар орқали уларнинг муаммоларга бўлган муносабатини аниқ ва таъсирчан ёритган. Бундай сухбатлар ҳар қандай давр ва халқ учун бегона эмас. Бироқ ровий ўз муносабатини ташқарига чиқаришни истамайди ва сухбатга аралашмасликни афзал кўради. Ўз навбатида, сиёсий хушёрликни ҳам унутмайди.

“Колаверса, сухбатларингиз жуда чуқурлашиб кетди. Бу турушда бошингизга бало орттириб оласиз-ку”, деб ўйлардим. Бу гапларни овоз чиқариб айтмоқчи ҳам бўлдим, бироқ қўрққанимдан овозим чиқмай қолди. Тутақиб турган одамларга, яххиси, ақл ўргатмаган маъқул. Дабдалангни чиқаришлари ҳеч гап эмас. Шунинг учун гапимни ичимга ютишга қарор қилдим”³. Бу парчада эса ровийнинг ички монологида ўз позициясини айтиши, тўғрироғи, ижтимоий муҳокамаларга аралашишнинг оқибатлари уни қўрқитиши ойдинлашади. Бироқ ровий йўловчининг ёнидаги чарм курткали киши кутилмаганда сухбат ўзанини бошқа оқимга буриб юборади. Унинг фикрини биринчилардан бўлиб тухумли сават эгаси қўллаб-қувватлади.

Хикоядаги қария – мўйнаси тўкилган шапкали чол энг керакли гапни айтди. “Ҳаммасига ўзимиз айбормиз. Кимдир “Чой йўқ” деб гап тарқатган бўлса, ҳамма чойни қоплаб олишга югуради. Кейин ўтиришади ҳеч қаерда чой йўқ деб! Ҳаммасини ғамлаб қўйгандан кейин, албатта, бўлмайди-да! Худога шукурки, ҳамма нарса бор.

– Худога шукур, мўл-қўлчилик!”⁴. Ушбу парчада қария жамиятдаги ижтимоий муаммоларга аниқ ва лўнда ечим айтади. Дарҳақиқат, инсонларнинг бундай мантиқсиз ҳаракатлари туфайли инсониятнинг ўзига жабр қилиши очиқланади. XX аср турк Қарияси томонидан айтилган ушбу фикр XXI асрда янада долзарблик касб этади.

Коронавирус пандемияси сабаб дунёning турли бурчакларида озиқ-овқат танқислиги юзага келди. Ҳамма нарса бор, бироқ қария ҳақ бўлиб қолаверади. “Ҳаммасига ўзимиз айбормиз”, дея инсониятнинг ўз манфаатларидан бошқа нарсани ўйламаслиги сабабли қийинчиликлар пайдо бўлаётганини таъкидлади. Муаллиф “Чой йўқ”, деган асоссиз хабарлар мисолида жамиятда мишмишларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатади; бундай ҳолатлар жамиятнинг эмас, балки инсонларнинг ўз хатти-ҳаракатлари ва масъулиятсизлиги сабаб юзага келишига урғу беради.

³<https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/turk/aziz-nesin-noyob-mikrob.html>

⁴<https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/turk/aziz-nesin-noyob-mikrob.html>

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

Қариянинг якуний гапи – “Худога шукурки, ҳамма нарса бор!” –инсонлар онгига ижобий фикрларни шакллантириш, ташқи дунёдаги вазиятга тўғри баҳо бериш ва ёмон деб қаралган ҳолатлардан ҳам яхшилик кўра билиш зарурлигини таъкидлаётгандек гўё. Унинг бу фикрлари инсониятни ҳамиша ёрқин келажакка ишонч билан яшаш, масъулиятни ўз зиммасига олишга ундаиди.

Қариянинг танқидий фикр-мулоҳазалари жамиятдаги ижтимоий муаммолар ва оммавий манипуляцияларнинг инсоният тақдирига қанчалик таъсир кўрсатишини яққол намоён этади. Ҳикояда трамвай вагонидаги одамларнинг ношукурликдан шукроналикка ўтиши ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, катта тажрибага эга қария тилидан баён қилинади. Қариянинг ҳаётий тажрибаси инсонларни ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлиб яшашга ундаиди.

Ровий ҳикоянинг бошидаёқ китобхонни қария образи билан таниширади. Ҳикоя кульминациясига етганда, қариянинг икки оғиз жумласи унинг ёши билан боғлиқ руҳий ҳис-туйғуларнинг бугунги дунё учун қай даражада долзарб эканини очиб беради. Ҳикоядаги қариянинг трамвайдаги кўриниши (“чолнинг бошида эски тўкилиб қолган мўйнали шапкаси”) катта рамзий маъно касб этади. Шапкаси эски бўлса-да, ақли ва фикрлари ҳали ҳам соғлом.

Қариянинг трамвайдаги ижтимоий муаммога ечим топиши, маънавий қадриятларни авлодларга етказиш ва ҳар бир кун учун Аллоҳга шукроналик келтириши унинг ўз маънавий қадриятларига эга эканлигини кўрсатади. Умуман олганда, ҳикояда қариянинг тилидан айтилган “Худога шукур!” иборасига бошқалар томонидан эргашиш инсоният қисматида шукроналикнинг аҳамиятига ишора қиласи. Бошқа тарафдан ҳикоя инсониятга ташқаридан назар солиш имконини беради, бу эса мутлак бошқа мавзу. Муаллифнинг киноявий бадиий модусда бетараф бўлиб туриши ҳам алоҳида ўрганма.

Китобхон қариянинг “Худога шукур” иборасини фақат шу вазият учун эмас, балки унинг ҳаётга бўлган муносабатини ифодалайдиган белги сифатида ҳис қиласи. Инсоннинг сабр-тоқати ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, Аллоҳга шукrona келтириш орқали янги мақсадлар, янги йўллар топишга нисбатан умидини кўрсатади. Шунингдек, қария замонавий ижтимоий муаммоларга азалий қадриятлар орқали жавоб беради. Бу жавоб бугунги глобаллашган дунёдаги ижтимоий муаммолар, нарх-навонинг ошиши, бозорлардаги қимматчилик ва инсоният турмуш тарзининг оғирлашиши каби азалий муаммоларга ечим сифатида намоён бўлади. Ҳикоянинг бош мавзуси “Худога шукур!” инсониятнинг руҳий ўсишида катта аҳамият касб этади.

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

Қариянинг “Худога шуқур!” деган сўзи инсон ҳар қандай оддий ва кичик нарсалар учун шукrona келтириши, бу эса ҳаёт фалсафасининг муҳим қадрияти сифатида ундан фойдаланиш зарурлигини илгари суради. Ҳикояда қариянинг шукronалик сўzlари инсониятнинг ижтимоий муносабатларда тобланиши, ҳамжиҳат бўлиб яشاши ва ўзаро ёрдамга тайёр бўлишларига ишора қилади.

Ҳикоядаги макон – трамвайдага ҳар бир йўловчи персонаж ўз муаммоси орқали киноявий тарзда, баъзилари ростан ҳам Аллоҳга шуқур айтишади. Бу орқали ижтимоий муносабатлардаги умумий қадриятлар ҳам кўрсатилади. “Худога шуқур” ва шукronалик ҳиссини бошқаларга етказиш қария образи воситасида маънавий ҳамжиҳатликнинг намунаси сифатида оқибатни эмас, балки сабабларни аниқлаш ва уларга биргаликда ечим топиш, курашиш кераклигини намоён қилади.

Қария образи ҳикояда бежизга танланмаган. Ҳикоя бош мавзуси иқтисодий қийинчиликлар, бозордаги нарх-навонинг қимматлигига эмас, балки шукronалик, ишонч, ҳамжиҳатлик каби умуминсоний қадриятларнинг аҳамиятига қаратилган. Қария ўз умр йўлида шу қадриятлар асосида яшайди ва уларни бошқаларга етказишга ҳаракат қилади.

Умуман олганда, “Худога шуқур” ибораси инсоннинг руҳий камоли, маънавий бутунлиги, турли радикал муаммоларга тўғри ёндашиш ва шахсий муносабатни шакллантиришдаги аҳамиятини акс эттиради. Бу ибора ҳар қандай вазият ва ёшга қарамай, одамнинг маънавий қадриятлари олийжаноб эканлигини англатади ва бутун инсоният учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилишига ишора қилади.

Хулоса қилиб айтганда, турк ҳикоялрида инсоний қадриятлар, ахлоқий мезонлар ва ҳаёт маъноси чуқур таҳлил қилинган. Азиз Несиннинг “Худога шуқур” ҳикоясида кекса инсоннинг ҳаётий қарашлари, унинг ижтимоий ҳолати ва шукronалик ҳисси орқали яшашнинг ўзгача фалсафаси ёритилган.

Муаллиф ҳикояда ҳалоллик, адолат, шукronалик қадрини умумий мавзулар сифатида ёритиб, уларнинг нафақат шахсий, балки ижтимоий аҳамиятини ҳам ўқувчига етказишга интилади ва шу тариқа ўқувчиларни жамиятдаги қадриятларни қайта баҳолаш, инсонийлик ва адолат устуворлигини англашга даъват этадилар.